ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

12 январ сешанба 1999 йил №5(652)

ШУ АЗИЗ ВАТАН, ЎЗБЕКИСТОН БАРЧАМИЗНИКИ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ушбу сонда:

2 ДЕҲҚОН ФАРЗАНДЛАРИ ИНГЛИЗЧА СЎЗЛАШЯПТИ

3 ЭЗГУЛИКНИ ЭЛ УНУТМАЙДИ

4 ҲАММОМ ИЗЛАБ ТОШКЕНТГА

Вазирлар Маҳкамаси мажлиси

Республика Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилга маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун шартномалар тузилишининг боришига бағишланган мажлис бўлди. Унда вазирлик, қўмита, корпорация, концерн, компания, уюшма ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашди.

Мажлисни Бош вазир Ў.Султонов бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов маъруза қилди.

Таъкидландики, 1999 йилда маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун шартномалар тузиш борасида республикамиздаги қатор уюшма ва компанияларда ҳали талай камчиликлар мавжуд. Чунончи, ички ва ташқи бозор талабларини ўрганмасдан маҳсулот тайёрлаш, омбор учун ишлаш, шартномаларни эски тушунчалар асосида тузиш ҳоллари ҳамон учрамоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи харид идоралари ўртасидаги муносабатлар бугунги иқтисодий ислоҳотлар талабларига жавоб бермайди. Шу боис барча соҳаларда шартномаларни бузиш, уларда белгиланган шартларни вақтида бажармаслик, бунинг оқибатида катта миқдорда жарима тўлаш ҳолатлари мавжуд. Экспортга маҳсулот етказиб бериш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган шартномалар тузилиши ҳам қониқарсиз аҳволда.

Мажлисда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун авваламбор рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш, узоқ муддатли шартномалар тузилишига эришиш, шартномавий муносабатларнинг мавқеини янада ошириш лозимлиги қайд этилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раиси Б.Носиров, «Ўзқишлоқмашхолдинг» компанияси раиси Р.Матчонов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори Н.Сигедин ва бошқалар ўз тармоқларида бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Шунингдек, мажлисда вилоят ҳокимликларига қарашли маҳаллий саноат, маиший хизмат кўрсатиш, «Мевасабзавот» ҳудудий бирлашмалари, бошқа корхона ва ташкилотларда «буюртмалар портфели»ни шакллантиришнинг бориши ҳам муҳокама этилди.

Мажлисда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси - Назорат инспекцияси раҳбари Ғ.Барноев, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

/ЎзА/



Фото репортаж

МЕҲНАТДАН БАХТ ТОПГАНЛАР

Хорижий сармоя мамлакатимиз халқ хўжалигининг деярли барча жабҳасига кириб борди. Унинг иқтисодий самараси йил сайин бўй кўрсатаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ўрта Чирчиқ туманида жанубий Корея корпорацияси иштирокида ташкил этилган «АНА-Текстиль» СО LTD қўшма корхонаси уч йил оралиғида сезиларли натижаларга эришди. Хусусан, дастлабки йилларда корхонада 30 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 130 минг жуфтга етди. Шунингдек, 50 кишилик жамоа бугунга келиб, 185 нафарга етди. Ўтган йили қўшма корхона 36 миллион 149 минг сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга етказишга муваффақ бўлган. Иқтисодий самарадорлик ижтимоий муҳитнинг соғломлашувига бевосита таъсир кўрсатади. Чунончи, ишчиларга йўлкира ҳақи берилиш билан бирга касбдошларнинг боғчага борадиган фарзандлари учун керакли маблағлар ҳам корхона ҳисобидан тўланмоқда.

Суратларда: илғор ишчилардан Г.Мирзақулова, С.Абдураимова, Б.Шухратжоновалар.

Д.АҲМАД олган сурат.

Спорт журналистикасини янги поғонага кўтарайлик

Тошкентда спорт журналистикасининг долзарб муаммоларига бағишланган кенгаш бўлди. Унда газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари, «Ўзтелерадио» компанияси раҳбарлари, спорт журналистлари иштирок этдилар.

Кенгашда матбуотнинг аҳолини соғломлаштиришга, уни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб этишга бағишланган ҳукумат қарорларини кенг ёйиш борасида йўл қўйилган нуқсонларга жиддий эътибор қаратилди.

Ахборот узатишда бир хил ибораларидан фойдаланиш, тил ва жанрларнинг бир хиллиги, хабарлар жўғрофиясининг торлиги, спортнинг фақат оммавий турларига эътибор бериб, бошқа турларини унутиб юбориш каби нуқсонлар спорт журналистикасидаги ана шундай муаммолардир.

Кенгашда жиддий журналистик таҳлил ўтказиб, спортнинг у ёки бу турларини жадал ривожлантиришни таъминлаётган айрим вилоятлар, минтақалар ва спорт федерацияларининг тажрибасини кўрсатиб бериш зарурлиги тўғрисида гапирилди.

Сўнгги йилларда йирик халқаро мусобақаларда катта ғалабаларга эришган ўзбек спортчиларининг ютуқларини тарғиб қилишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳаётий зарурлиги, уларнинг ютуқлари манбалари тўғрисида ижодкорлик билан ҳикоя қилиш жисмоний тарбия ва спортнинг фойдалилигини кўрсатувчи ишончли далил экани кенгашда таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда журналистлар малакасини ошириш, семинарлар ва махсус курслар, журналистларнинг ўзларини спортга фаол жалб этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

/ЎзА/

«Ишонч»га жавоб берадилар

«РАВШАН БОБО НЕГА ХУНОБ?»

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш энг долзарб вазифалардан биридир. Қишлоқ инфратузилмаси, мамлакатимиз Президентининг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони ва бошқа ҳукумат ҳужжатларининг қабул қилиниши шу боисдандир. Шунинг учун бугунги кунда бу борада мамлакат миқёсида жуда кенг кўламда иш олиб борилмоқда.

Шунга қарамасдан баъзи туманларда қишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Газетамизнинг 1998 йил 14 ноябрь сонида Касби туманидаги Саргужум, Пандрон, Новқат қишлоқларида ана шу муаммо ижобий ҳал қилинмаётгани ҳаққоний очиб ташланганди. Хусусан, мазкур ҳудудда яшаётган аҳоли бир неча йилдан бери тоза сувга зорлиги, бу хайрли иш бундан беш-олти йил илгари бошланиб, аро йўлда тўхтаб қолганлиги таъкидланганди.

Яқинда таҳририят Касби туман ҳокимининг ўринбосари Б. ТОШТЕМИРОВ имзоси билан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди.

— Ўрганиш жараёнида мақолада кўрсатилган камчиликларнинг тўғрилиги эътироф этилди, — дейилади унда. — Ҳақиқатан ҳам тумандаги «Қашқадарё» жамоа-ширкат хўжалиги ҳудудидаги Новқат қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида 1996-1997 йилларди 22,4 километр ҳар хил русумли қувурлар лойиҳа асосида ётқизилиб, 100 м3 сув сиғадиган тўплаш иншооти қурилиши бошланган эди. Хўжаликнинг маблағи етишмаганлиги сабабли, ўтган йилда қурилиш ишларининг қолган қисми ниҳоясига етказилмаган.

Туман ҳокимлиги вилоят коммунал фойдаланиш ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорликда асосий сув қувури ва сув тўплаш иншооти қурилишини жорий йил режасига киритиш чора-тадбирларини кўрмоқда.

ҚОЗОҒИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўтган якшанба куни мустақил Қозоғистон тарихида биринчи марта мамлакат президентлигига муқобиллик асосида сайлов ўтказилди. РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг хабарларига кўра, ушбу сайловда амалдаги Президент Нурсултон Назарбоев 81,7 фоиз овоз тўплаб, етти йил муддатга мамлакат Президенти этиб сайланди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 86,28 фоизи сайловда қатнашган.

Бошқа номзодлар, жумладан, Қозоғистон коммунистларининг йўлбошчиси Серикбўлсин Абдилдин 12,0 фоиз овоз, республика божхона қўмитасининг бошлиғи Ғани Қосимов 4,7 фоиз, парламент депутати Энгелс Габбасов 0,78 фоиз овоз олган. Марказий сайлов комиссияси вакилларининг фикрига қараганда, якуний хулосалар чиқариш пайтида овозлар нисбати сезилар-сезилмас ўзгариши мумкин, лекин бу асосий натижаларга таъсир кўрсатмаса керак.

Н.Назарбоевнинг яна қўшни мамлакат Президенти этиб сайланганги тобора ривожланиб бораётган Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларининг янада мустаҳкамланишига, икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг тағин ҳам кенгайишига самарали хизмат қилади, деб умид қиламиз.

/ЎзА/.

Шу азиз Ватан — барчамизники

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминлайди. Уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»дан.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Бугунги кунда республикамизда барча ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳамда диёримиздаги тинчлик хотиржамликнинг барқарорлиги тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги таҳсинга сазовордир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, умумхалқ манфаатлари йўлида фаол хизмат қилаётган жамоат ташкилотларининг нуфузи тобора ортиб бораяпти.

Шундай жамоа ташкилотлардан бири - Республика Байналмилал маданият марказидир. Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, бу ташкилот ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Байналмилал маданият маркази - Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг маънавий эҳтиёжларини, урф-одатлари, таомиллари, анъаналарини ўрганиш, тиклаш ва ривожлантириш йўли билан диёримизда миллатлараро бирлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган.

Зеро, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омилларидан бири - диёримизда яшаётган турли миллат ва элат кишиларининг ўзаро аҳиллиги ва тотувлигидир. Мамлакатимизда ўтказилаётган «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Шарқ тароналари» каби қўшиқ байрамлари, халқаро спорт мусобақалари ва бошқа йирик тантаналар турли миллатларни бир-бирига тобора яқинлаштириб, бир оила аъзоларидек муштарак мақсадлар йўлида меҳнат қилишга чорламоқда.

Айни пайтда республикамизда 100 дан зиёд миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатаяпти. Бу марказлар нафақат миллий урф-одатлар, тиллар, анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришгагина хизмат қилаяпти, балки улар ўз миллатдошлари орасида кенг миқёсда маънавий-тарбиявий ишларни амалга оширмоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон Байналмилал Маданият марказида «Миллатлараро тотувлик - барқарорлик гарови» деб номланган семинарнинг биринчи машғулоти бўлди. Унда миллий маданият марказларининг раҳбарлари, республикамизда ишлаётган бир қанча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларнинг намоёндалари иштирок этдилар.

Республикамизнинг турли вилоят ва туманларида ташкил этилган миллий маданий марказларнинг фольклор ансамбллари, клублари, тил ўрганиш мактаблари, тўгараклари мавжуд. Деярли барча маданий марказларининг раҳбарлари ўзбек тилини яхши билишади. Марказларда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи-ю шоирлар, илм-фан намоёндалари билан тез-тез учрашувлар, бадиий кечалар ўтказиб турилади.

Қуйидаги дил сўзларига эътибор қилинг:

Алексей ЕФИМОВ, Юнусобод тумани: - Мен Ўзбекистонда туғилганман, шу Ватанга меҳрим беқиёс. Миллатим рус бўлишига қарамасдан ўзимни ўзбекдай ҳис қиламан. Негаки мана шу тупроқ мен учун жуда қадрли. Россиядаги қариндошларим менга кўчиб боришимни бир неча бор таклиф қилишди. Лекин бу нарсани ўзимга сингдира олмадим. Менимча, ҳамма гап меҳрда, оқибатда. Ёшим олтмишдан ошган бўлса-да шу давр ичида ўзбеклардан фақат яхшилик кўрдим. Ўзбекнинг меҳмондўстлигини, меҳрибонлигини, бағри кенглигини жуда қадрлайман.

Сергей ИВАНОВ, Ховос темир йўл техникуми талабаси: - Ҳозир ўзбек тилини чуқурроқ ўрганяпман. Бу ишда менга дўстларим Дилшод, Мурод, Назиржонлар ёрдам беришяпти.

Ҳурматой ИКРОМОВА, Янгийўл тумани: - Миллатим қозоқ бўлишига қарамасдан исм - шарифим ўзбекча. Демакки, ўзбеклар билан қанчалик киришиб кетганлигимиз шунинг ўзидан ҳам кўриниб турибди. Биз ўзбеклар билан қардош, қариндош халқмиз.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ.

Хабарларда ҳаёт нафаси

Ҳамкорлик самараси

Исроилнинг машҳур «МАД» фирмаси билан ўрнатилган ўзаро фойдали ҳамкорлик Хонобод паррандачилик ҳиссадорлик жамияти учун дастлабки йилиёқ фойда кўриб ишлаш имконини берди. Ўтган йили паррандабоқарлар эл дастурхонига 132 тонна курка гўшти етиштирдилар. Йиллик ялпи даромад 34 миллион сўмни ташкил этди.

Бу муваффақиятга фирманинг баҳоси 1 миллион АҚШ долларига тенг технологик жиҳозларини ўрнатиш туфайли эришилди. Унинг ёрдамида жўжа ва куркалар автоматик тарзда озиқлантирилиб парваришланади, соатига икки мингта парранда сўйилиб, тозаланади ва тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. Унда жўжа очириш инкубатори ҳам мавжуд.

Қ.НИЗОМОВ, ЎзА мухбири

Намунали оила

Республика миқёсида электр алоқа корхоналари ўртасида ўтказилган «Намунали оила» кўрик-танловида Нурота туман электр алоқа бўлими ходими Муҳаммадкул Саидқулов оиласи ғолибликни қўлга киритгани Навоий вилояти алоқачиларини хушнуд этди.

Тошкентда якунловчи босқичда биринчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо эсдалик совғалари ва тармоқ раҳбарияти фахрий ёрлиғи билан қайтган Саидқулов оиласини ҳамкасблари ва юртдошлари ғалаба билан қизғин табриклади.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

Истиқлол берган имкон

Деҳқон фарзандлари инглизча сўзлашяпти

Кўчадан борар эканман ноодатий сўзлар кулоғимга чалинади. 8-9 ёшлардаги икки бола машқ қилибми, инглиз тилида гаплашиб боришарди. Ажабо, дедиму оркаларидан таажжуб ила кузатиб қолдим. Қишлоқ жойда инглиз тили лицейи ҳақида эшитмагандим. Бундай ерда кичик боши билан кетмон кўтарган, бузоқ етаклаган, экинга сув очишга югурган болани кўпроқ учратиш мумкин эди.

Жамоа хўжалиги раисининг ўринбосари Малика Қурбонова билан суҳбатдан сўнг шу нарса маълум бўлдики, хўжалик ўз кучи билан катта мактаб қурган. Ана шу ерда тажриба тариқасида инглиз тилига йўналтирилган синф очилибди. Хўжалик раҳбарлари юқори ташкилотлардан югуриб-елиб рухсат олишган. Боғчада инглиз тили машғулотлари йўлга қўйилган. Дарвоқе, жамоа хўжалигида 125 ўринли иккита болалар боғчаси бор. Мактаб ёшига етган ўғил-қизлар билан имтиҳон-суҳбатлар уюштирилган. Бу тадбирга ихтисослик бўйича юқори ташкилотлардан мутахассислар чақирилди. Сўнгра мактабга муносиб инглиз тили ўқитувчиси таклиф этилди. Ҳозир иккинчи синф ўқувчилари инглиз тилида бемалол гаплашишади. Тажриба ўзини оқлади. Мазкур синф ўқувчилари баҳоси нуқул «тўрт», «беш». «Ўқувчиларга талаб кучли. Шунинг учун бу синфда доим ишлар беш» деб таъкидлаб қўйишади. Умуман бу тадбирнинг бутун мактаб ҳаётига, ижобий таъсири сезиларли дей-ишмоқда.

Яна хаёллар ўз оғушига тортади. Ахир бу, мустақилликнинг яна бир ширин меваси эмасми. Илгари бизлар ҳам мактабда ўқиганмиз. Ўнинчини битириб, ўнта инглиз сўзини билиб-билмай олий ўқув юртига йўл олардик. Чунки, инглиз тилини билиш жаҳон илми, жаҳон ҳамжамиятига йўл тутиш эканлигини тушуниб ета олмасдик. Мустақиллик шарофати билан келажаги буюк Ўзбекистонда осмондаги юлдузлар каби кадрлар порлаб чиқа бошлади...

Мазкур қишлоқ мактабида ватанга муносиб кишиларни тарбиялаш йўлида кўп намунали ишлар қилинмоқда. Ўқув масканида «Иқтидорли ўқитувчи» танлови ташкил этилган. Бу номга эга бўлган мураббийга ҳар ойда қўшимча маош берилади. Беш нафар аълочи ўқувчига стипендия ташкил этилган. Биринчи синфдан бешинчи синфгача бўлган ўқувчиларга ҳар куни бепул сут берилади. Мактабни таъмирлаш хўжалик ҳисобидан амалга оширилади. Бу ишлар жамоа хўжалиги маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси, мактаб жамоаси билан ҳамкорликда шерикчилик тамойиллари асосида олиб борилади. Кийрои ижтимоий ҳимоя шундай бўлади-да.

Хўжалик ҳақида Тошкент туманида шундай гаплар юради: «Муҳаммаджон Фозиловнинг заводлари, фабрикалари бор. Халқи фаровон яшайди».

Аслида бундай. Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалиги маъмурияти, касаба уюшма қўмитаси қўшимча иш жойларини яратиш, аҳолини иш билан банд қилиш, шу асосда хўжалик аъзоларига қулайликлар яратиш, фаровонлигини таъминлаш йўлида кўп савобли ишлар қилмоқда.

Ташқаридан сармоя киритилиб, вино ишлаб чиқариш бўйича иккита кичик корхона очилган. Илгарилари хўжаликда етиштирилган узум аллақачондаги заводларга турнақатор навбатларда туриб ялиниб-ёлвориб топшириб келинар эди. Кичик корхона ишга тушгач тайёр хомашё исталган пайтда заводга топшириладиган бўлди. Оворагарчиликларга чек қўйилди ва аҳоли учун қўшимча иш жойлари ҳам яратилди.

Жамоа хўжалигида мебел цехи очилган. У ерда кроват, диван ва бошқа бир неча хил мебеллар, эшик-ром тайёрланади. Асосан аҳоли буюртмаси қондирилади. Буюртма бажариб бўлингач, шаҳар аҳолисига сотилади. «Чарос» кичик корхонасида бальзам ичимлиги тайёрланади. Шлакоблок, резина маҳсулотлари, конфет тайёрлаш ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари мавжуд. Шунингдек, хўжаликда сутни қайта ишлаш цехи ишламоқда. Уни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш тадбирлари белгиланди. Мазкур корхона Исроилдан олиб келинган замонавий технология асосида қайта жиҳозланиб, уни жорий йилда ишга тушириш кўзда тутилган. Шубҳасиз, жамоа хўжалигида ишлаб чиқарилгадиган саккиз хил сут маҳсулоти пештахталардан муносиб ўрин олади. Умуман хўжаликда ўнга яқин шундай кичик корхона бўлиб, икки юздан кўпроқ иш ўринлари яратилган.

Хўжалик ҳудуди унчалик катта эмас. Асосан узумчилик билан шуғулланишади. Бор-йўғи 320 гектар узумзор мавжуд. Ўтган йил якунлари сарҳисоб қилинмоқда. Ҳар гектар ердан 136 минг сўмдан даромад олинди. Ўртача ойлик 17 минг сўмни ташкил этмоқда. Узумчиликдан 62 миллион сўм даромад қилинди.

Чорвачиликда эса 33 миллион сўмликдан зиёд даромадга эришилди. Ҳар бир соғин сигирдан 3769 литрдан сут соғиб олинди.

Теплица хўжалигида ҳам иш чакки эмас. Ўтган йилда 25 миллион сўмликка яқин соф даромад олинди. Бир йилда рентабеллик 16 фоизга ошди. Кўриниб турибдики, кўрсаткичлар юқори. Биз жамоа хўжалиги раиси Акбар Сулаймонов билан суҳбатлашар эканмиз унга савол берамиз:

- Хўжалик йилни фойда билан якунлади. Билишимизча янги йилдаги режалар яна ҳам катта. Бу муваффақиятлар мустақиллик шарофатидан эмасми?

- Мустақиллик бизга катта эрк берди. Мустақиллик ернинг эгасини топинг, унга беринг, деҳқонни бой қилинг, деҳқон бойиса давлат бойийди, деди. Биз шундай қилаяпмиз. Бутун токзорларни, иссиқхонани пудратчиларга бўлиб берганмиз. Ким ярим гектар, яна ким икки гектар олган. Шунинг учун улар ерга истиқболни ўйлаган ҳолда қарайди. Ҳоҳлаган навни экади, парваришлайди, ер ҳолатини яхшилайди. Агар бириктирилган одам ерга етарли даражада қарамаса, парвариш ишларида қолоқликка йўл қўйса, ҳосилдорлик камайиб кетса, хўжалик бошқаруви касаба уюшма қўмитаси билан келишган ҳолда ерни ундан олиб, асил деҳқонга беради. Илгарилари, совет замонида бундай усулда иш тутишга рухсат йўқ эди. Оилавий пудрат сифатида бир қисм жойларни берсак ҳам беркитардик. Эркинлик йўқ эди. Тепанинг буйруғи, зуғуми билан ишлашга мажбур бўлинар, бу эса, катта қийинчиликларни туғдирарди. Ҳатто айрим одамлар, оилалар каттароқ даромад олсалар, унда ҳам балога қолардик. Текшир-текшир бошланарди.

Раис бу борада қатор мисолларни келтирди.

- Мустақиллик шарофати билан меҳнат қилган одам орзуси рўёбга чиқмоқда, рўшнолик кўрмоқда. Ўтган йил узумчиликда оғир йил бўлди. Шунга қарамай, боғбонларимиз омилкорлик эвазига катта даромад олдилар. Хўжалик бўйича гектарига ўртача 10 тоннадан узум йиғиб олинган бўлса, Абдурасул Қаюмов, Шоназир Носиров, Қаҳрамон Жуманов, Абдулазиз Набиев каби миришкорлар гектаридан йигирма тонна ва ундан ошириб ширин-шакар неъмат етиштирдилар. Айрим оилалар 200-300 минг сўмдан даромад қилдилар.

Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси ана шундай фидокорона меҳнатга яраша ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Иссиқхона ичида дам олиш, овқатланиш хоналари, сауна, ванна, душ, биллиардхона ташкил этилган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига 250 минг сўм ажратилди. Ўтган йили янги қурилган турар-жойларга беш километр узунликда газ қувурлари ўтказилди. Бу йил яна ўн икки километр газ қувурлари тортилиб, янги уйларни газлаштириш режалаштирилган. Ўтган йили маданий-маиший ишлар, мактаб, боғчаларни таъмирлашга ўн миллион сўм сарфланди.

Хизмат кўрсатган, хўжалик учун меҳнати сингган одамларга қатор имтиёзлар яратилган. Чунончи хўжаликда узлуксиз 25 йил ишлаган эркаклар ва 20 йил ишлаган аёллар ойликларига яна йигирма фоиз қўшиб берилади. Пенсияга узатишда бир йўла мукофот пули ажратилади ва улар электр энергия, газ, сув ҳақини эллик фоиз миқдорида тўлайдилар, қолган қисми жамоа хўжалиги ҳисобидан. Декрет таътилига аёллар қонундагидек етти ой эмас, балки беш ойдан сўнг чиқарилади ва бу икки ой учун хўжалик тўлайди. Фахрийлар, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларга ҳар ой маълум миқдорда қўшимча нафақа ажратилади. Тўй-маъракаларда оиланинг аҳволига қараб хўжалик томонидан моддий ёрдам кўрсатилади.

Хўжалик ҳудудидаги мактабда ишловчи педагогларга транспорт пули тўланади. Бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. Уларнинг ҳаммаси жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси имзолаган жамоа шартномасида ўз аксини топган.

Будир ПЎЛАТОВ,
Тошкент тумани.

ҚЎШМА КОРХОНАДА КАСАБА УЮШМАСИ

Америка қўшма штатларининг «Ай-Ти-Ай» Трейдинг Интернейшнл» компанияси билан ҳамкорликда тузилган «Супертекстил» тўқимачилик корхонасининг ташкил этилиши билан бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиб, фаолият кўрсата бошлади. Мазкур нодавлат секторда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, меҳнат муҳофазаси борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Жамоатчи мухбиримиз корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси **Сайёрахон АСОМИДДИНОВА** билан шу ҳақда суҳбатлашди.

- Корхонамиз 1997 йил май ойидан буён фаолият кўрсатмоқда. 286 та аъзоларимиз бор. Шундан 184 нафари аёллардир. Ўртача ойлик иш ҳақимиз айни пайтда 14-15 минг сўмни ташкил этмоқда.

Корхонамиз фаолият кўрсата бошлагач, биз умумий мажлисда касаба уюшма қўмитасини ташкил этдик. Буни жамоамизнинг барча аъзолари кенг қўллаб-қувватлашди. Бир йил мобайнида эса анчагина ишларни амалга оширдик. Жумладан, жамоамизда меҳнат қилувчи кам таъминланган, кўп болали оилаларга ўтган йили бир миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга ишчи-хизматчиларимиз ойлик маошларини ўз вақтида олиб туришибди. Корхонамизда ишчиларимизнинг меҳнат шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Тиббий хизмат кўрсатиш бўлими, цехларда гигиена, дам олиш хоналари фаолият кўрсатмоқда.

Маълумки азалдан касаба уюшмалари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, маънавий тарбиялаш борасидаги ҳимоя таянчига айланиб қолган ва бу борада ўз тажрибасига эга. Энди ҳамма гап ҳар бир корхона ёки муассаса, ташкилот касабақўмининг маъмурият билан келишган ҳолда ҳамжиҳатликда ишлашида қолган.

«ОЛТИН МЕРОС» САРЧАШМАЛАРИ

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасида миллий қадриятларимиз, уларни ўрганиш, юзага чиқариш, асраб сақлаш, миллий меросларимизни тарғиб-ташвиқ қилиш ва жаҳонга олиб чиқиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, ЮНЕСКО ва ЮНЕСКО бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси билан Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган. Унинг натижаси ўлароқ, миллий қадриятларимиз ва меросимизнинг жаҳонга таништиришда бир қанча ишлар қилинмоқда.

Шунингдек, ўтган йилда жамғарма ҳомийлигида «Комилжон Отаниёзов замондошлари хотирасида», Азиз Қаюмовнинг «Аҳмад ал-Фарғоний» номли китоблари чоп этилди. Булардан ташқари «Олтин мерос» жамғармаси қошидаги «Мерос» студияси томонидан Имом ат-Термизий, Жалолиддин Мангуберди, Огаҳий каби буюк аллома ва қаҳрамонларнинг ҳаёт йўллари ва фаолияти, ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильмларни суратга олишга киришилди. Шунингдек, студияда ҳозиргача 40 дан ортиқ таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат ва фан арбоблари тўғрисида видеотасмалар ёзиб олиниб, келажак авлодларни ҳам улар ижодидан баҳраманд қилиш мақсадида архивда сақланмоқда.

Айни кунларда Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Республика Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда жорий йилда барча мактаб, лицей ва коллежлар ўртасида «Эртаклар куни», «Сара эртаклар учун танлов» ўтказишни режалаштирган. Бундан мақсад халқ тилида даврлар оша айтилиб келинаётган, Ватанга ва инсонларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатни, садоқатни, мардлик ва жасурлик, ҳалоллик ва покликни, одамийликни улуғловчи эртакларни тўплаб, китоб ҳолида нашр этишдир.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Иш унумли бошланди

Навоийдаги «Электртаъмирлаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти асосан республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли йирик насос станцияларнинг катта кучланишли электр асбобларини таъмирлаш билан шуғулланади. Таъмирловчилар ўтган йили режадагидан қарийб 10 миллион сўмлик иш бажардилар. Янги йилнинг дастлабки ойи ҳам унумли бошланди. Навоий кон- металлургия комбинати, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан буюртмалар олинди.

(ЎзА)

Шаҳрисабз туманидаги Парда Шербобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Ёрбобо Тошев номли мактаб ҳовлисида яқинда 320 ўринли касб-ҳунар лицейи биноси қурилиши бошлаб юборилди. Келаси йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган илм маскани биносини Шаҳрисабздаги Ҳабибулла Ибодуллаев раҳбарлик қилаётган 1-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари барпо этишмоқда.

Суратда: моҳир бунёдкор Азамат Назаров.

Шавкат СУЛТОН олган сурат.

АРЗНОМА БЕКОРГА ЁЗИЛМАЙДИ

Зафаробод тумани ҳокимлигида меҳнаткашлар хати, ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда

Қонунлар ҳаётда учраган, учраб турган ва учрайдиган воқеа ҳодисаларнинг инъикоси сифатида одамларнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди, бир сўз билан айтганда адолат устуворлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Шу маънода «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти беқиёс.

Хўш, бу қонун қандай бажарилмоқда? Қонун талабларига ҳамма жойда амал қилинаётирми? Таассуфки, Зафаробод тумани ҳокимлигида фуқароларнинг хат ва аризаларига лоқайдлик билан муносабатда бўлинмоқда. Текширув ўтказилганда ўтган йилнинг 8 ойи мобайнида қайд этилган 88 та ариза ва шикоятнинг 33 тасининг натижаси номаълум. Яъни, эътибордан четда қолган. Қуйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди.

Авваламбор, ариза ва шикоятларни қайд қилиш китобининг юритилиши мутлақо талабга жавоб бермайди. Қонун талаби бўйича барча аризалар ҳал этилгандан сўнг умумий бўлимда сақланиши лозим бўлса-да, ҳар доим ҳам бунга риоя қилинмайди. Масалан, китобда 9 март куни 34 рақами билан рўйхатга олинган Б.Шербековнинг аризаси «С.Раҳимов И.Ш.Б» деб ёзиб қўйиш билан чекланилган холос. Ариза мазмуни ва натижаси ёзилмаган. Ушбу ариза талаб қилиб сўралганида, топиб беришолмади. Фуқаро С.Султоновнинг 25 феврал куни, фуқаро Ф.Мамановнинг 27 март куни уй-жой учун ер ажратишни сўраб қилган мурожаат аризалари қайд қилиниб, ижро учун ҳоким муовини Д.Узоқовга берилган бўлсада, натижаси нима бўлгани ҳанузгача номаълум.

Буниси ҳали ҳолва. Масъулиятсизлик шу даражага етганки, «Учма» фермер хўжалиги бошлиғи Д.Рўзиқуловнинг 1997 йил 20 декабрда 20 гектар ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси 1998 йилнинг 3 майида, орадан тўрт ой ўтгандан сўнг қайд қилинган бўлиб, жавоб хати қачон, қайси рақам билан юборилгани кўрсатилмаган, уни тасдиқловчи ҳужжат ҳам мавжуд эмас.

Фуқаро Деҳқонов ва бошқаларнинг ёзилган аризаси мазмунида фақат «шикоят хати» деб ёзилган ва ижроси ҳоким муовини, назорат инспекцияси бошлиғи А.Темировга юклатилган, натижасига «назоратдан чиқди» деб ёзиб қўйиш билан гўё ўзларини барча масъулиятдан соқит қилишган.

Ушбу ариза ўрганиб чиқилганида «Ўзбекистон» И.Ш.Б раҳбари Жултоев Гузарнинг ғайриқонуний ҳаракатлари, жумладан ўзининг қариндоши Ж. Мардиевга 17 гектар ер берилганлиги, шунингдек А.Исроиловдан 27 гектар ерни ноқонуний олиб қўйиб, ўзининг қариндоши О.Темировга хатлаб берганлиги, бирлашмага келтирилган 2700 литр бензин ўринсиз сарфланганлиги, шахсан раҳбарнинг ўзи ноқонуний равишда 5 кунда 1300 литр ёнилғи сарф қилганлиги, бирлашма ишчиларига тарқатилиши лозим бўлган 65000 сўм пулни талон-тарож қилганлиги, бирлашмага келтирилган кўп миқдордаги гуруч талон-торож қилинганлиги тўғрисида маълумот берилган. Жиноят содир этилганлигини била туриб, аризани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юбориш ўрнига, ариза бўйича бирлашма бош ҳисобчиси Ф.Исматовдан тушунтириш хати олиш билан чегараланиб, шу асосида туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилган, деган хулосага келиниб, ариза назоратдан асоссиз чиқарилган. Аризани ҳал этишда қонуннинг 8-моддаси талаблари бузилган.

Фуқаролар Б.Султонова, Г.Жонмирзаеваларнинг ҳокимликка берган аризалари 2-3 ойлаб кўриб чиқилмаган. Хат ортида инсон тақдири, унинг орзу-умидлари ётганлиги унутилган. Шундан сўнг ҳам ажабланмай кўрингчи!

Фуқаро Ҳошим Мардиев 28 июл куни ёзган аризасида Ҳ.Олимжон номли хўжалик ҳудудида жойлашган 8-ўрта мактаб директори Д.Салимовнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ҳақида ёзади. Ушбу ариза ҳоким муовини А.Темировга ижро этиш учун берилиши зарур бўлгани ҳолда умумий бўлим мудирининг масъулиятсизлиги сабабли бўлимда узоқ вақт сақлаб турилган. Боз устига, аризада ҳокимнинг ёзма кўрсатмаси йўқ. Ушбу ариза билан танишганимизда мактаб директори ўзига тегишли бўлган «Қоракон» фермер хўжалигига қарашли ерда ноқонуний равишда ўқувчиларни ишлатиб, уларга иш ҳақи ёзиб, ўзи ўзлаштириб олаётганлиги, шунингдек, 36 минг сўм пулни мактаб ремонти учун ишлатилди, деб талон-торож қилганлиги юзасидан хабар берилган бўлса-да, бу ариза ҳам текшириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилмаган. Бу билан қонуннинг 7- ва 8-моддалари талаблари қўпол равишда бузилган.

Беихтиёр савол туғилади: ўз ҳудудидаги барча хўжалик, ташкилот ва идораларга ҳар жабҳада намуна кўрсатиши лозим бўлган туман ҳокимлигидаки фуқаролар ариза-шикоятларига масъулиятсизларча муносабатда бўлинса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Акбархон ТУРСУНОВ,
Зафаробод тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси.

Бойсун лавҳалари

ЭЗГУЛИКНИ ЭЛ УНУТМАЙДИ

Бойсун тумани аҳолиси асосан боғдорчилик, чорвачилик ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланади. Суғориладиган ер йўқ ҳисоби. Ҳар йили уруғ қадаладиган 13 минг гектарга яқин ғаллазорнинг барчаси лалми майдонлардан иборат. Поёнсиз яйловларда боқилаётган 200 минг бошдан ортиқ моллар туманнинг асосий даромад манбаи ҳисобланади.

1986 йилгача тумандаги мавжуд 51 та мактабнинг деярли ҳаммаси эски биноларда жойлашган эди. Айниқса, қишлоқ мактабларининг аҳволи аянчли бўлган. Шароит иқтисодий жараёнларни йўлга қўйиш билан бирга мактаб-маориф ишларида ҳам туб бурилиш ясаш кераклигини асосий масала қилиб қўйди. Шунда 21 та ўрта ва 1 та ҳунар мактаби учун янги бино қуриш имконияти излаб топилди. Бу - тумандаги барча мактабларнинг деярли ярмида, 9 минг нафар ўқувчи тор ва зах синфхоналарни тарк этиб замонавий биноларда ўқиш имкониятига эга бўлди, деган гап эди. Ҳатто иқтисодий бақувват ҳудудларда ҳам қийинчиликларни баҳона қилиб, янги мактаблар қурилишига эътиборсиз қаралаётган бир пайтда, қишлоқ мактаби учун янги бино қуриб берилгани (1997 йил охирида), тоғ қишлоқларидан бири (Кўчкак)даги мактаб биноси қурилиши эса 1998 йил режасига киритилганлиги Бойсундек олис тоғли туман учун катта гап, албатта. Шунингдек, еттита йирик қишлоқ ҳудудида жами 300 ўринли замонавий қишлоқ касалхоналарининг фойдаланишга топширилганини аҳоли турмуш маданиятини яхшилаш, саломатликларини мустаҳкамлаш йўлидаги ибратли қадам, дейиш мумкин.

Тадбиркорликни амалга ошириш, хусусийлаштиришни рағбатлантириш ва шу асосда янги корхоналар барпо этиш ҳам туманда иқтисодий ислоҳотларни жадал амалга оширишнинг асосий бўғинларини ташкил этади. Қисқа муддат ичида 65 та кичик корхона, 55 та хусусий фирма, 14 та хусусий дорихона, 18 та ҳиссадорлик жамияти, 340 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсата бошлади. Саккиз йил давомида фақат томорқа учун 363 гектар ер ажратилиб, 2000 дан ортиқ оила томорқали бўлишди. Янги ер участкаларида 210 минг кв. метр ҳажмдаги шахсий уй-жой қурилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Хўжамайхона - Чилонзор (19 километр), Мирқарокўз - Кофрун (12 километр), Тўда - Пасурхи (16 километр) сув қувурлари тармоқлари, олти минг куб сиғимдаги сув сақлагич қурилди. Айни пайтда ичимлик суви тармоқларини узайтириб, Газа, Шўрсой, Дийдоркам, «Наврўз» маҳаллалари аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини қондириш чора-тадбирлари кўрилаётир.

Туманга табиий газ тармоқларини тортиб келиш, шубҳасиз бойсунликлар ҳаётидаги энг катта воқеа бўлди. 1994 йилнинг ёзида республикамиз Президенти Термизга ўта туриб, Бойсуннинг сўлим Сайроб қишлоғида тўхтадилар. Ушанда фуқаролар одатдагидек вазиятни безаб кўрсатишмади, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммоларни очиқ айтишди.

Шундан сўнг жуда қисқа муддатда Қумқўрғондан Сайробгача бўлган 70 километрли юқори босимли газ тармоғи ўтказилди. 1997 йил охирига келиб эса юқори, ўрта ва паст босимдаги газ тармоғининг умумий узунлиги 147,1 километрга етказилди. Бугунги кунда тумандаги уч мингдан ортиқ хонадонга «зангори олов» кириб келди. Бу эзгу иш ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

- Ободончилик ишлари ҳам эътиборимиздан четда қолмаяпти,-дейди туман ҳокими Тўрақул Ҳамроев,- деярли барча кўчалар, маъмурий бинолар тубдан таъмирланяпти. Туман ҳокимлиги «Бойсунни энг кўркам гўшага айлантириш тўғрисида»ги махсус тадбирни ишлаб чиқди. Бу хайрли ишларнинг бари корхона, ташкилотлар, тадбиркорлар ва ҳашарчиларнинг кўмаги билан амалга оширилаётир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда қуриб ишга туширилган карбид заводи, гипс-албастр цехи, «Супермаркет» савдо мажмуи, «Иссиқ нон»- Винклер корхонаси, «Омонхона» дам олиш маскани туман иқтисодиётини кўтаришда ўзига хос улуш қўшаётган бўлса, «Алпомиш» ўйингоҳи, теннис корти, қайта таъмирланган деҳқон бозори, қурилиши давом этаётган тижорат бозори, «Мустақиллик» майдони ва яна ўнлаб янги маъмурий-маиший бинолар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Шаҳар этагида бунёд этилаётган 40 гектарли «Алпомиш» боғ мажмуи келгусида нафақат Бойсуннинг, балки Сурхон воҳасининг энг сўлим гўшасига айланажак.

Қилинаётган ишлар қаторида туманнинг шарт-шароитидан келиб чиқувчи ўзига хос муаммолари ҳам йўқ эмас. Уларнинг кўпчилиги қурилиши давом этаётган «Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг тезроқ ишга туширилишига боғлиқ бўлиб турибди. Йилига бир миллион тонна энг юқори сифатли кўмир етказиб бериши мумкин бўлган Бойсун кўмир ҳавзасини хорижлик ҳамкорлар билан биргаликда кенгайтириб ишга туширишга, сланец (ёнар тош) ва бошқа ер ости бойликларини саноат усулида қазиб чиқаришни йўлга қўйиш, қурилиш саноати учун зарур хом ашё етказиб бериш режалаштирилган. Керамзит заводи қурилишини ҳам поёнига етказиш вазифаси турибди.

Бундан ўн икки йил муқаддам туманнинг биринчи раҳбари бўлиб иш бошлаган Тўрақул Ҳамроев Бойсунда сув муаммосини ҳал қилмай туриб туман иқтисодини кўтариш мумкин эмаслигини узил-кесил ўртага қўйганди. Серсувлиги жиҳатидан воҳада иккинчи оқар сув ҳавзаси - Дарбанд дарёси ва икки-уч катта-кичик сойларда мавжуд бўлган туманда ҳисобсиз унумдор ерлар қақраб ётгани ҳақиқатан ҳам афсусланарли эди. Дастлабки ният - Дарбанд дарёсидан фойдаланишдан иборат бўлиб, катта қийинчиликлар эвазига аввал биринчи, орадан уч-тўрт йил ўтиб иккинчи насос станциялари қурилиб, ишга туширилди. Натижада туманнинг «Дарбанд»,«Работ» жамоа хўжаликлари ҳудудида юзлаб гектар янги боғ-токзорлар ташкил этилди, қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш ўринлари яратилди. Эндиликда Термиздан туман марказига олиб келувчи йўлнинг икки томонида яшнаб ётган боғ, токзорларга қараб дилингиз яйрайди. Яқин келажакда боғларни туман марказигача давом эттириш режалаштирилган. Бу - бошланажак ишлар олдидан синов тариқасидаги тажриба эди, холос. Шу боис шароит Дарбанд дарёсини тўсиб, кичикроқ (20 миллион куб сиғимга эга) сел тутқич қуришни тақозо этарди. Унинг ишга туширилишидан туманнинг 80 минг аҳолиси бирдек манфаатдор эди. Тез орада иншоот лойиҳаси тайёр бўлди. Аммо қурилиш бошланиши арафасида «юқорига шикоят қилувчилар», «халқ номидан» гапирувчилар, ҳатто Амударё ва Сирдарё қутқаролмаётган Оролни Дарбанд сойи суви билан тўлдирувчилар ҳам чиқиб қолди. (Ваҳоланки, бу дарё қўшни Шеробод туманидан нарига ўтмайди). Охир-оқибат, сув омбори қурилиши тўхтаб қолди. Ҳолбуки, бу туман иқтисодиётини кескин кўтариш ва халқ фаровонлигини оширишда асосий омил бўлувчи энг катта имконият эди. Сел тутқич қурилиши учун мўлжалланган майдон томорқа сифатида бўлиб берилди. Бугунги кунда фақат чордевор, симтўрлар билан наридан-бери тўсиб олинган ва ҳозиргача бирорта ҳам иморат қурилмаган ана шу томорқаларга қараб ўйланиб қоласан, киши. Ахир, сув омбори қурилганда, аввало Дарбанд қишлоғи янада обод, сўлим жойга айланмасдимиди? «Дарбанд» жамоа хўжалигининг иқтисоди, қишлоқ аҳлининг турмуш тарзи яхшиланмасмиди? Бу ерда дам олиш масканлари, балиқчилик ширкатлари ташкил этилиб, қўшимча даромад манбалари пайдо бўлмасмиди?

Мустақилликка эришгач, янги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, туманда 2000 йилгача қишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик соҳасидаги қилинажак ишларни режалаштиришга тўғри келди. Шаҳар марказидан оқиб ўтувчи Бойсун сойини Кофрун қишлоғи яқинидаги дарадан тўсиб, нисбатан кичикроқ (5 миллион куб сиғимдаги) сел тутқич бунёд этиш режаси тузилди. Гарчанд сой суви кам бўлса-да, баҳорги тошқинлар даврида анчагина сув заҳирасини йиғиш ва бунинг натижасида «Ғайрат»,«Бойсун» жамоа хўжаликлари ҳудудида минглаб гектар ерларни ўзлаштириш, ҳатто сердаромад соҳа бўлган пахтачиликни ҳам йўлга қўйиш мумкин. (Ўтган йилги тажрибадан сўнг бу йил Бойсун тарихида биринчи марта 500 гектар ерга пахта экилди). Айни пайтда лойиҳа ишлари тайёр бўлиб, қурилиши режага киритилган Дарвозақум сел тутқичи, узунлиги 1900 метрдан иборат бўлган (қурилиш ишлари ниҳоясига етаётган) Паданг ер ости сув тоннели, келгусида режалаштирилаётган Паданг сел тутқичи қурилишлари муваффақиятли амалга оширилса, Бойсун туманида ҳам сувли майдонларда деҳқончилик қилиш, шунингдек, аҳоли ихтиёрида бўлган шахсий томорқалардан қўшимча даромад олиш имкониятлари пайдо бўлиши, шубҳасиз.

Бахром АЛИМАРДОНОВ, Даврон ОРИПОВ.

Жамол Бухоров 40 йилдан буён Сирдарё темир йўл бекатида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Барча қатори унинг ҳам жонкуярлиги ва ташкилотчилиги туфайли иш бир маромига етмоқда, йўловчиларга қулайликлар яратилмоқда.

Суратда: ўз касбининг устаси Ж.Бухоров.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Харидорларга жаҳон андозаларига мос равишда хизмат кўрсатаётган супермаркетлар сони тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Ангрен савдо акционерлик жамиятига қарашли 80-дўкон ходимлари хизматидан харидорлар мамнун бўлишмоқда. Бунда сотувчи Зулфия Убайдуллаеванинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Х.АВВАЛОВ олган сурат.

ДИВИДЕНТ ОРТМОҚДА

«Халқобод момиғи» ҳиссадорлик жамияти нафақат Кегейли туманида, балки Қорақалпоғистондаги энг пешқадам жамоалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам халқ-ободлик пахта тозаловчилар 1997 йили Мадридда ўтказилган халқаро танловда олтин медаль билан мукофотланиб, корхона шуҳрати янада ошган эди.

Амалдаги йилда «Халқобод момиғи» ҳиссадорлари пахтакорлар учун 3 ярим минг тонна туксизлантирилган чигит уруғини кимёвий усулда етказиб бериш устида иш олиб бормоқдалар. Ҳозиргача белгиланган топшириқнинг учдан бир қисми бажариб бўлинди. Бу «Қорақалпоқпахта-тозалашсотишсаноат» бирлашмаси тизимидаги қолган барча пахта тозаловчи корхоналардагига нисбатан энг яхши кўрсаткичдир.

Яқинда ушбу ҳиссадорлик жамиятига Қорақалпоғистоннинг пахта тозалаш заво-ди мутахассислари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, ўсимликларни ҳимоя қилиш бошқармаси раҳбарлари тажриба ўрганиш мақсадида келдилар. Меҳмонлар «Халқобод момиғи» корхонасининг муттасил равишда юксак натижаларга эришиб келаётганлигининг бош омили корхонада мулкнинг ўз эгасини топганлиги, ишчиларга етарли меҳнат шароитлари яратилганлиги, ҳамда ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилишнинг яхши йўлга қўйилганлигида деган хулосага келишди.

Ҳақиқатан ҳам йил сайин акцияларга дивидент бериш мунтазам равишда ошиб бораётган,ишчилар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланаётган корхонада меҳнат аҳли доимо ардоқдадир.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

ОЛАМ АЁЛ МЎЙҚАЛАМИДА

Ҳиндистон Маданий Маркази ҳам 1999 йил - Аёллар йилига катта эзгу-ниятлар ва улкан режалар билан қадам қўйди.

Марказ Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Санъат Академияси билан биргаликда Аёллар йилини таниқли рассом аёл Азизахон Маматова асарларининг кўргазмаси билан очди.

Кўргазмада ижодкорнинг йигирмага яқин ижод намуналари намойиш қилинди. Уларнинг орасидан Бобурийлар сулоласи мавзуига оид асарлар ҳам муносиб ўрин эгаллаган.

Ушбу кўргазма йиғилганларда катта таассурот ва завқ уйғотди. Шунингдек, тадбирда Ҳиндистон Маданий Марказининг раҳбари, профессор Қамар Раис, Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Диловар Қобулова, Бадиий академия раиси Турсунали Кўзиев, санъат музейи раҳбари Насиба Ибрагимовалар сўзга чиқдилар.

Улар Президентимиз томонидан 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинганлиги аёлларга берилаётган катта эътибор ва раҳнамолик эканлигини эътироф этдилар. Ҳиндистон Маданий Маркази билан ўрнатилган алоқалар ва ҳамкорликнинг самарали натижаларини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Н. ЎРМОНОВА, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма спорти

ҒОЛИБЛИК ЙЎЛИ

Ўтган йил бошида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Республика Давлат спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси ва «Камолот» ёшлар жамғармаси волейбол ва баскетбол бўйича «Камолот» жамғармаси кубогини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Касаба уюшмалари командалари шу мусобақаларга тайёргарлик юзасидан қизғин иш бошладилар.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт кенгаши бу спорт турларини оммавийлаштириш, мусобақаларни қизиқарли ўтказиш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқди.

Ана шундай тайёргарлик, фаол ҳаракат туфайли биринчи босқич мусобақаларида 35 мингга яқин киши иштирок этди. Иккинчи босқичда қурилиш ва бинокорлик материллари, машинасозлик ва металлургия, маҳаллий, мебель, енгил саноат ва коммунал-маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ходимлари касаба уюшмалари шаҳар қўмиталари, Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси спортчилари муваффақиятли қатнашдилар.

Тармоқ қўмиталари ғолибларининг финал мусобақалари «Саноатқурилишиндустрия» ҳиссадорлик жамиятининг спорт залида ниҳоятда қизғин курашлар остида ўтди.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталари ғолиблари республика ҳудудий мусобақаларига йўлланма олдилар. Тошкент шаҳри касаба уюшма спортчилари «Саноатқурилишиндустрия» ҳиссадорлик жамиятининг волейбол бўйича аёллар ва эркаклар командалари, «Ўзшаҳарқурилиш» илмий-тадқиқот институтининг баскетбол бўйича эркаклар ҳамда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг баскетбол бўйича аёллар жамоаси ҳудудий мусобақаларда юксак маҳоратларини кўрсатиб ғолиблик шарафига муяссар бўлдилар ва финал ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Омад бу командаларга яна кулиб боқди. Улар касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия-спорт жамияти марказий кенгашининг чемпиони бўлдилар.

«Саноатқурилишиндустрия» ҳиссадорлик жамиятининг волейбол бўйича аёллар жамоаси яқинда республика тармоқ биринчилигида ҳам қатнашиб шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Катта давраларда кўп олқишларга сазовор бўлган, юксак маҳоратли ва аҳил команда ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. «Саноатқурилишиндустрия» ҳиссадорлик жамиятининг волейбол бўйича аёллар жамоаси «Камолот» жамғармаси кубоги учун курашда, яъни республиканинг энг кучли командалари билан беллашувда яна ҳам юқори маҳорат кўрсатиб бош соврин эгаси бўлди.

Б.СОЛИХОВ.

OLAMDA NIMA GAP

МЕХИКО. 1999 йил Мексика учун қийин кечиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин айни пайтда мамлакат ўз тараққиёт йўлида илдам одимламоқда, деб баёнот берди Мексика президенти Эрнесто Седило.

Дунё мамлакатларида юз бераётган молиявий ва иқтисодий бўҳрон, нефтга бўлган эҳтиёжнинг камайиб бораётгани ва яна бошқа бир қанча сабаблар 1999 йилда Мексика иқтисодиётига ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Э.Седило ташқи таъсирларига қарамай уч йилдан буён мамлакат иқтисодиёти ўсиб бораётганини қайд этиб, жорий йилда ҳам ана шундай ижобий ҳолат сақланиб қолажагига ишонч билдирди.

* * *

ТОКИО. Япония ҳукумати Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арафотнинг мустақил Фаластин давлатини тузиш ҳақида айтган фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймайди, дейилади мамлакат ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотда.

Япония ташқи сиёсат маҳкамаси вакилининг айтишича, Япония ҳукумати Фаластинни мухторият сифатида қўллаб-қувватлайди, мустақил давлат сифатида ҳам. Лекин мустақил давлат барпо этиш ҳақидаги билдирилаётган ғояларнинг айни пайтда давр руҳига мос эмас ва бу Ўрта Ер денгизи ҳудудининг тинчлиги ҳамда хавфсизлигига раҳна солиши мумкин. Шунингдек, у Исроил раҳбариятини Фаластин билан имзоланган келишув қоидаларига тўла риоя этишга чақирди, деб хабар беради Синхуа ахборот маҳкамаси.

* * *

Токио валюта биржасида долларнинг қиймати яна туша бошлади. Душанба куни эрталаб бўлиб ўтган савдода бир АҚШ доллари 110,5 иена миқдорида баҳоланди. Бу ўтган ҳафтадаги савдога қараганда 1 иенага арзондир.

Бундан бир ҳафта аввал жаҳон валюта бозори сари дадил кириб борган евро ҳам душанба кунги савдода ўтган ҳафтадагига нисбатан 2,5 иенага арзонлашган. Мутахассислар доллар ва евронинг арзонлашуви сабабларини Япония иқтисодиётининг барқарорлашаётгани билан изоҳлашмоқда.

* * *

Японияннинг бир қанча вилоятларида қишнинг серёғин келгани катта ташвиш туғдирмоқда. Қалин қор туфайли Токио билан Хонсю оролининг шимолидаги Аомори шаҳрини боғлайдиган поезд йўлида ҳаракат тўхтаган. Акита шаҳрида ҳам транспорт ҳаракати тўхтаб қолган.

Аомори ва Ниигата вилоятларининг баъзи жойларида қор қалинлиги уч метрдан ҳам ошиб кетган. Ўтган якшанба куни бир автомобилнинг қор тагида қолиб кетиши оқибатида икки киши ҳалок бўлди.

* * *

ВАРШАВА. Полша миллий олимпиада қўмитаси ўзининг 80 йиллик тўйини нишонламоқда. Ушбу тантаналарга Халқаро олимпиада қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч, қўмитанинг 10 дан ортиқ аъзоси ҳамда халқаро спорт уюшмалари раҳбарлари ҳам таклиф қилинган. Бу воқеа билан боғлиқ асосий тадбирлар мамлакат пойтахтидаги катта театрда ўтказилади.

* * *

РАБОТ. Серра-Леонеда қўзғолончилар билан ҳукумат армияси ўртасида юз берган қуролли тўқнашувлар вақтида АҚШнинг Ассошиэйтед Пресс агентлиги бир мухбири ҳалок бўлган, яна бир нечта ҳамкасби жароҳат олган.

Гувоҳларнинг айтишича, айрим жангари қўзғолончилар ижодий сафар дастури бўйича юрган журналистлар машинасига ўқ узган. Натижада Ассошиэйтед Пресснинг телеоператори 34 ёшли М.Терни ҳалок бўлган, қолган журналистлар жароҳатланган.

* * *

СЯНГАН. Гонконгда айрим мамлакатлар ҳамда ҳудудий миқёсда иш юритувчи 17 марказий банк раҳбарлари иштирокида мажлис бошланди.

Унда дунё мамлакатларида юз бераётган молиявий инқироз ва банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Мазкур тадбир Халқаро ҳисоб-китоб банки ташаббуси билан ўтказилмоқда.

* * *

ПЕКИН. Хитой таълим вазирлиги бу йил мамлакатдаги олий ўқув юртларига кирувчи талабалар сонини оширишни режалаштирмоқда. Вазирлик вакилининг маълум қилишича, 1999 йилда талабалар сони 220 мингтага кўпаяди ва жами талабалар сони мамлакат бўйича 1,3 миллион нафарни ташкил қилади.

Талабалар сонини кўпайтиришдан кўзда тутилган мақсад мамлакат халқ хўжалигининг турли соҳаларини юқори малакали мутахассислар билан тўла таъминлашдир. Ҳозирги кунда Хитойда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши туфайли миллий иқтисодий қурилиш, фан ва техника соҳаларида ёш мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандеснинг Францияга ташрифи бошланди. Ташрифдан мақсад Ҳиндистон билан Франция ўртасидаги ҳарбий-техникавий алоқаларни кенгайтиришдир. Ж.Фернандес ташриф давомида Франция президенти Жак Ширак билан ҳам учрашади.

Кейинги 15 йил давомида Франция Ҳиндистонга замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника етказиб берувчи асосий давлатлардан бири бўлиб келган. Бироқ, сўнгги йилларда бу ҳамкорлик анча сусайиб кетди. Мазкур ташрифдан мақсад ана шу ҳамкорликни яна қайта жонлантиришдир.

* * *

БОГОТА. Колумбия ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Парамилитарес» деб номланган ўнг айирмачи қуролли тузилмалар жангарилари мамлакатнинг 6 та департаментида тинч аҳолига қарши кирғин уюштирди. Кейинги уч кун ичида террорчилар томонидан 120 киши ўлдирилган. Полиция генерали А.Салгадонинг журналистларга маълум қилишича, мамлакат шимолида «Парамилитарес» террорчилари 30 нафар деҳқонни отиб ташлаган ва 17 та уйни ёқиб юборган. Бошқа бир жойда эса жангарилар ёшлар тўпланадиган муассасага бостириб кириб 20 дан ортиқ йигит-қизни ўлдирган.

Айни пайтда Колумбия ҳукумати билан унга қарши қуролли кураш олиб бораётган Колумбия инқилобий қуролли кучлари ташкилоти ўртасидаги 40 йиллик қуролли можарога чек қўйиш учун музокаралар бошланган. Ана шундай шароитда «Парамилитарес» қуролли тузилмалари мамлакатда янги террорчилик тўлқинини бошлаб юборди.

/ЎзА/

Ҳар тўғрида

ҚОНУН ҚОНУН-ДА

Ғарбий Германияда бундан 118 йил муқаддам жорий қилинган - боланинг ота-онасига ёрдам бериш ҳақидаги қонун ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ. Брюль шаҳар суди мана шу қонун асосида суд ҳукмини эълон қилди.

Шунга кўра 6 ёшгача бўлган болалар фақат ўйин билан машғул бўлишади. 6-10 ёшлилар ота-оналарига онда-сонда ёрдам беришлари, яъни идиш-товоқ ювишлари, дўконга харид қилгани боришлари; 10-14 ёшлилар боғда ишлашлари, барча оила аъзоларининг оёқ кийимларини тозалашлари, 14-16 ёшлилар автомашина ювишлари, дала юмушларини бажаришлари; 16-18 ёшлилар ота-оналари ишда бўлганларида уйни сарамжон-саришта қилиб ўтиришлари шарт.

ОХИРГИ ЧОРА

Мексиканинг Аламос шаҳри маъмурлари қамоқхоналардан қочишлари ҳаддан ташқари кўпайгач, охирги чорани қўллашга мажбур бўлишди. Шунга кўра, қамоқхона назоратчиларидан қайси бири навбатчилик пайтида бирон-бир жиноятчини қочириб юборса, унинг ўрнига ўша муддатга ўзи ўтириши керак.

БОКСЧИ КЕНГУРУ

Токио циркидан қочган кенгуру овлоқ кўчалардан бирида сайр қилиб юрарди. Унга кўзи тушган полициячи кенгуруни аввал шу яқин орадаги дўкон омборига қамаб, сўнг уни қаердан келиб қолганини аниқламоқчи бўлди. Лекин у ниятига етолмади. Тўсатдан тушган кучли зарбадан ҳушидан кетди. Унга ёрдамлашмоқчи бўлган учта полициячининг қисмати ҳам шундай бўлди.

Кенгуру полициячиларнинг катта гуруҳи етиб келгандагина таслим бўлди. Маълум бўлишича бу урушқоқ кенгуру бир неча йил мобайнида цирк томошаларида боксчи бўлган экан.

НОЁБ ЭКСПОНАТ

Май кўнгизи Ғарбий Германия ҳайвонот боғининг ноёб экспонатларидан бирига айланган. Май кўнгизи жойлаштирилган қафасга шундай сўзлар ёзиб қўйилди: «Илгари ҳамма ерда кенг тарқалган эди. Атроф-муҳитнинг ифлосланишига жуда сезгир бўлгани учун ҳозир ондасонда учрайди».

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Рақс санъати юксалишда

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани ҳамда мазкур хужжат асосида «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ташкил этилганига икки йил тўлди. «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» ансамбллари, «Тановар» рақс театри негизида вужудга келган ташкилот ана шу вақт мобайнида талайгина ижодий муваффакиятларга эришди. Аввало, барча вилоятларда унинг бўлимлари тузилиб, истеъдодли кадрлар билан таъминланди.

«Ўзбекрақс» тузилганда унинг миллий рақс санъатини янада ривожлантириш ва жаҳонга кенг танитиш мақсади қўйилган эди. Бу борада ҳозирдаёқ муайян ютуқларга эришилди. Францияда - ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган ва мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ тадбирларда, Германияда бўлган Ўзбекистон кунларида, Самарқанддаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, рақс ансамблларининг Туркия ва Белгиядаги халқаро фестивалларида ўзбек рақс санъати мухлисларни ўзига ром этди. «Баҳор» ва Андижон бўлимига қарашли «Сумалак» рақс ансамблларининг Японияга сафари чоғида миллий санъатимиз шуҳрати янада ортди.

Одатда бадиий жамоалар концерт дастурларини ҳар беш йилда янгилайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова бошчилигидаги «Ўзбекрақс»да эса бу масалага ўзгача ёндошилаётир. Бирлашма жамоалари икки йилдаёқ репертуарини ўзгартирди. Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб «Увайсий» миллий балети, «Аёл қалби», «Меҳринг дилда», «Хива сайли» дастурлари тайёрланди. Бу дастурлар томошабинларга ғоят манзур бўлди.

Истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларни тарғиб этишда «Ўзбекрақс» бирлашмаси Маданият ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказаётган Мукаррама Турғунбоева номидаги республика ёш раққосалар танловининг хизмати катта бўлмоқда. Уч босқичда ўтказилаётган бу тадбирда мамлакатимиздаги барча профессионал ва ҳаваскорлик бадиий жамоалари иштирок этмоқда.

Айни кунларда болалар учун арча байрами ўтказаётган бирлашманинг «Баҳор» концерт зали ўзгача кўринишга эга бўлди. Катта саҳна махсус қурилма, замонавий техника воситалари ва ёритгич асбоблар, овоз кучайтиргичлар билан жиҳозланди. Бундай янгиликларни жорий этишда, фидокор санъаткорларни рағбатлантиришда бирлашма қошида ташкил этилган «Ўзбек миллий санъатини қўллаб-қувватлаш» республика жамғармаси жонбозлик кўрсатмоқда.

- Устоз санъаткорлар яратган ва қадимдан ижро этиб келинган мумтоз рақсларни сақлаб қолиш ва уларни келажак авлодга етказиш мақсадида янги «Етти гўзал» ансамблини ташкил этяпмиз, - дейди бирлашма бош директори Ю.Исматова. - Зеро, якка рақс ва унинг ижрочилари ҳамиша эъзозлаб келинган. Янги дастамизга мамлакатимизнинг кўзга кўринган етук раққосалари, асосан, ёш раққосалар танлови ғолиблари жалб этилади.

Б.МАНСУРОВ, ЎзА мухбири



«ЛАЗЗАТ» ЛАЗЗАТИ

Янгийўл шаҳридаги «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш акционерлик жамияти тайёрлаган «Қора-қум», «Истиқлол», «Семурғ», «Олтинқум» шоколадлари, печеньеларини истеъмол қилиб роҳатланмаган кишилар топилмаса керак. Мазкур корхонада меҳнат қилишнинг гашти ўзгача. Чунки меҳнаткашлар ижтимоий ҳимояси маъмурият, касаба уюшма қўмитасининг доимо диққат марказида.

Ишчи-хизматчилар сиҳат-саломатликларини тиклашлари учун дори-дармонларга маъмурият ойига 60 минг сўм маблағ ҳам ажратиб беради.

Суратда: оператор Сайёра Сотимова.

Моҳир оператор Шоира Ғаниева тайёрлаган печеньелар янада тотли.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Божхоначилар ўқув маркази

Фарғонада божхона тизими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вилоятлараро ўқув маркази иш бошлади. Унинг тингловчилари божхона қонунчилиги, контрабандага қарши кураш, халқаро муносабатлар, психология, жисмоний тайёргарлик бўйича беш ой давомида билим оладилар, вилоят божхона масканлари иш тажрибаси билан танишадилар. Марказни тугаллаган божхоначиларга махсус гувоҳнома берилади.

Р.КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.

«Ишонч» бонг уради

ҲАММОМ ИЗЛАБ ТОШКЕНТГА

Сирдарё тумани ва унинг марказида ҳаммом энг катта муаммолардан бирига айланди. Боиси, мавжуд 12 та ҳаммомнинг биронтасидан аҳолининг кўнгли тўлмаётир

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган суҳбат чоғида маданият уйлари, мусиқа мактаби, кутубхоналар, бадиий тўгараклар хусусидаги фикр-мулоҳазалардан сўнг гап ҳаммомларга келиб тўхтаганида ҳамма бирбирига қаради. Саволларимизга биронта ҳам аниқ жавоб ололмай ҳокимнинг биринчи ўринбосари Даврон ЯНГИБОЕВГА юзландик.

— Ҳозир эгасини чақирамиз, — деди у телефон трубкасини кўтарар экан.

Кўп ўтмай саноат-қурилиш ва коммунал хўжалиги ишлари бўлимининг етакчи мутахассиси Эркин Саъдуллаев кириб келди. Муддаони айтдик. У ҳам очиғини айтиб қўяқолди:

— Узр, сизни қизиқтирган масалалар бўйича ҳеч нарса дея олмайман. Бу ерда янги одамман. Ҳар ҳолда ўн иккита ҳаммомдан уч-тўрттаси ишлаётган бўлса керак...

Фол очиб ўтирмай ҳаммомлар иши, уларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун йўлга тушдик.

— Сизларни энг намуналисига олиб бораман, ҳар томонлама маъқул бўлади, — кайфиятимизни кўтармоқчи бўлди Эркин Саъдуллаев.

Машина хусусий «Колос» қаҳвахонаси ёнида тўхтади. Ичкарига кирамиз. Столлар безатилган. Официант аёл нима буюрасиз дегандек бизга тикилади. Ҳайратланганимизни сезган ҳамроҳимиз изоҳ берди:

— Шу катта бино илгари ҳаммом эди. Уни Галина Мусиенко хусусийлаштириб олган. Шартномадаги 5 йил муддат ўтгач, бу ер қаҳвахонага айлантирилди. Лекин ҳар ҳолда ҳаммом бўлиши керак эди.

Официант ҳушёрлик қилди:

— Орқа томонда ўз ходимларимизга хизмат қиладиган ҳаммом бор. Фақат у ишламаяпти. Қаердадир труба ёрилган...

Хижолатда қолган ҳокимлик вакили «Синдоробод» хўжалиги ҳудудида жойлашган ҳаммом томон бошлади. Катта йўлнинг ўнг томонидаги маданий-маиший биноларни, дорихона эътиборимизни тортади. Аммо, шинам қурилган, пештоқига 8 дан 20 гача ишлайди, деб ёзиб қўйилган Мустафо Фалиловга қарашли хусусий ҳаммом эшигида катта қулф осиғлиқ. Эркин ака асабийлашиб эшикни қаттиқ тақиллатади, жавоб бўлмагач, ҳаммом теварагини бир-икки айланиб чиқди, ҳатто.

— Ишламайди, газ, сув йўқ, — деди шу ён атрофдаги дўкондан югуриб чиққан йигит.

Одамлар билан суҳбатлашамиз.

— Ҳаммом ҳаёт, инсон саломатлиги учун сув ва ҳаводек зарур, — фикрини ифодалайди ўзини Облоқул Тўхтаев деб таништирган отахон. — Аллома Ибн Синонинг ҳаммомнинг аҳамияти ҳақидаги баҳоят қимматли ўгитларини кўп эшитганмиз. Мана бугун шанба, болаларни покдомон қилиш учун ҳаммомга келгандик. Биронтаси ишламаяпти. Бош қотиб, қаерга боришни билмай ҳайрон бўлиб турибмиз.

Яна бир отахон — Нурмамат Қучиев ҳам асабий.

— Йигирма саккиз минг аҳоли яшайдиган шаҳримиз, 50 мингдан ортиқ кишиси бўлган туманимиз ҳудудида намунали, мунтазам, ҳеч қандай баҳонасиз ишлайдиган ҳаммомнинг йўқлиги уят. Очиғи, ҳаммомлар йирик-йирик қурилишлар соясида қолиб мутлақо эсдан чиқиб кетди. Жабрини эса биз тортяпмиз, халқ қийналяпти.

— Ўн беш кун аввал мажбурликдан ҳаммом қидириб Тошкентга боргандим. Туманда шароит бўлмагач, яна пойтахтга жўнашга тўғри келади, шекилли, — қўшимча қилди ишчи Анорбой Укибоев.

Машина яна катта йўл бўйлаб одимлайди. Одамларнинг ўринли таъна-эътирозларини ўзимизча мушоҳада қиламиз. Қаранг, «Истиқлол», «Ҳақиқат», «Имкон», Иброҳим Каримов номли хўжаликларда ҳанузгача ҳаммом йўқ. Беихтиёр туман марказидаги шохбекатда 85 ёшли Нуримбой ота Мусомов айтган гаплари хаёлимизда жонланди.

— «Малик» йирик хўжалик, лекин маданий-маиший хизмат издан чиққан, ҳаммом деҳқонлар учун орзу бўлиб келмоқда. Кечирасизу айрим раҳбарлар ҳаётдан, оддий одамлардан узоқлашиб қолишган. Уларни халқнинг ташвишлари унчалик қизиқтирмайдими, билмай қолдик. Акс ҳолда, кўпчилик ҳаммом излаб оворай-сарсон бўлишаётганини сезишган бўларди. Аслида битта ҳаммомни бақувват бир фермер ҳам қуриб бера олади. Қолаверса, бу муҳим ишни ҳашар йўли билан амалга ошириш мумкин. Гап одамлар олдидаги бурч масъулиятини чуқур ҳис қила билишда.

Ажойиб усулда қурилган, бироқ эътиборсизлик туфайли ҳаробага айланиб бораётган Собир Раҳимов маҳалласидаги ҳаммомни ҳам кўришни нуронийлар маслаҳат беришди. Бордик. Бино чиндан ҳам миллий архитектура намуналари асосида қурилган. Бахтга қарши маскан ҳувиллаб ётибди.

— Камчиликлар кўп, иситиш тармоқлари яхши ишламаяпти, шу сабабдан одамлар келмай қўйишди, — таъкидлайди ходим Абдусамад Бобоев.

Бинони кўздан кечирамиз. Деворлар нурай бошлаган, хоналар қоронғу, эшик-деразалар эскириб чирий бошлаган. Деразаларнинг синиғидан елвизак уриб ётибди. Кираверишдаги катта хона чиқиндилар, шиша идишларга тўла. Ҳаммомдаги шароит санитария-гигиена талабларига асло жавоб бермайди. Бу ердаги сартарошхона ишламаётганига ҳам ярим йил бўлибди. Бир вақтлар яхшигина чойхурлик қилинган учта ёғоч кроват бўм-бўш.

Туман кенгашининг бултур бўлиб ўтган сессияси ҳужжатларида маданий-маиший, савдо хизматини жонлантириш, хусусан ҳаёт, саломатлик учун беқиёс аҳамият касб этган ҳаммомлар хусусида бир оғиз гап айтилмаганлигини билиб, баттар ҳайратимиз ошди. Шу ерда эканимизда галдаги сессияга қизғин тайёргарлик қурилаётганлигини эшитдик. Аҳвол шундай бўлишига қарамай, бу барчани ўйлантираётган, ташвишлантираётган ўта ҳаётий масалалар сессия материалларида ўз аксини топадими, йўқми, билмадик. Ҳар ҳолда туман меҳнат аҳли мутасадди раҳбарлардан ваъда эмас, амалий ҳаракатлар кутмоқда.

Мирғиёс ҚАЮМОВ, Зайниддин РИХСИЕВ.

Тахририятдан:

Ҳурматли муштарий!

Ушбу мақолада биргина тумандаги камчиликлар тилга олинди. Хўш, сиз истиқомат қилаётган шаҳар ва қишлоқдаги сартарошхона, суратхона, ҳаммом ва умуман маиший хизмат жабҳасидаги аҳвол қониқарлими?

Шулар ҳақида бизга ёзиб юборинг. Бу долзарб мавзуда мунтазам мақолалар бериб борамиз.

Илҳом

ҲУР ДИЁРИМ...

Гул диёрим, ҳур диёрим,
Ҳурлигингдан шод юрак
Карвонларга сарбон норим,
Қутлуғ йўлинг муборак.

Эллар аро, олам аро
Топдинг обрў, эътибор.
Юртда ҳурлик, тилинг бурро,
Иймонинг хўб барқарор

Ёшингга бир ёш қўшилиб,
Қаддинг ростламоқдасан.
Байроғингни кўкка илиб,
Уфқни кўзламоқдасан.

Гул диёрим, ҳур диёрим,
Қутлуғ йўлинг муборак!
Йиллар келар чертиб торин,
Бериб иқболдан дарак...

Нодира РАШИДОВА

Солиқчи назорати

БИЛМАДИМ ДЕДИМ ҚУТИЛДИМ

Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари Қарши шаҳар бозорлари ва кўчаларида ўтказган навбатдаги рейдда ўнлаб солиқ қонунчилигига риоя қилмаслик ҳолатларига дуч келинди.

«Тижорат бозори»нинг Муҳаббат Қамбарова бошлиқ растасида 36 дона шампан виноси, 40 қути лағмон қонунга зид равишда сақланаётганлигига дуч келинди. Раста бошлиғи бу моллар Ҳасан Майдоновники эканлигини айтди. Ҳасан бу моллар аслида унга тегишли бўлса ҳам кимникилигини билмадим деб қутилишни афзал кўрди. «Эгаси топилмаган» маҳсулотлар мусодара қилинди.

Шу куни 16 хилдаги турли ширинликлар, 10 қути макарон, 10 дона «Шаҳрисабз ароғи», 6 шиша «Ўзбекистон виноси», 40 дона хўжалик совуни, 12 қути тамаки маҳсулотлари ҳамда 16 дона «Елена» ёғи ҳам «эгасиз» чиқди. Аниқроғи бу маҳсулотлар билан савдо қилувчилар солиқчиларни кўриб «қуён» бўлиб қолдилар.

КЎНГИЛНИ ХУФТОН ҚИЛДИЮ...

Ўрганган кўнгилда. Касби савдо ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 19-дўкон сотувчиси Аширмамат «Мен урсам сендай нокасдан ураманми» деб ўзига эътироз билдирган харидорнинг кўнглини роса хуфтон қилди. Ачинарлиси шуки, савдо учун дўконга кирган бирор киши уни ҳимоя қилмади, аксинча айбдор мудирнинг ёнини олишди. Яхшиямки солиқчилар бор экан, оқни оқ-қа, қорани қорага ажратишди. Аниқ бўлишича, сотувчи харидор эътироз билдиргандан ҳам кўпроқ ёки 312 сўм ортиқча олган экан.

Туман прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 187 модда 1-қисми билан айбланган Аширмамат Қаюмов устидан тергов олиб боряпти.

Харидор ҳақидан 168 сўмдан уриб қолган Қарши шаҳридаги «Авлод» хусусий фирмасининг сотувчиси Ж. Равшанов, Шаҳрисабз туман умумий овқатланиш очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли 8-савдо дўкони мудираси Д. Суюновалар ҳам қилмишларига яраша жазоланадиган бўлдилар.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ЖАВОҲИР

Фақат пухта сўзни юритмоқ керак,
Пухта сўз ҳеч қачон эскимас демак.

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ.

* * *

Сўз ичра мудом ақл яшириндир,
Сўз чимилдиғу ақл келиндир.

* * *

Сўз айтсанг, яхши сўз айтгил, биродар,
Ширин сўз фойдадир бекумуш безар.

НОСИР ХИСРАВ.

* * *

Сўз кўнгил жилвасин шоҳиди билгил,
Бу жилвадан халос бўлмоқ кўп мушкул.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ.

* * *

Сўзла жавобига чидолсанг ўзинг,
Арпа экиб буғдой кўрмагай кўзинг.

Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Тўпловчи: Рустам ХЎЖАЕВ.

ҚОТИЛГА ОЛИЙ ЖАЗО

Жиззах шаҳар «Иттифоқ» маҳалласида ўтган йилнинг сентябр ойида мудҳиш қотиллик юз берди. 38-уйнинг 40-хонадонида яшовчи Зумрад Салимова ишда бўлганида, уйда ёлғиз қолган фарзанди Комила Жондавлетова қийнаб ўлдирилган, қимматбаҳо буюмлар эса олиб кетилган.

Жиноят аслида бундай бўлганди: Зумрад Салимованинг ишга кетганлигини аниқ билган таниши асли Пойариқ туманлик, ҳозирда Жиззах шаҳар «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 20 ёшли Жамшид Равшанов бойлик орттириш мақсадида ўғирликка киради. 10 ёшли Комилани уйда эканлигини кутмаган Жамшид қизчани қўрқитиб, қимматбаҳо буюмларни йиғиштириб олиб кетмоқчи бўлганида, қизча қаршилик кўрсатади. Кўзи қонга тўлган ва бойлик орттириш учун ғаразли нияти амалга ошмай қолишидан қўрққан Жамшид аввал қизчани сочиқ билан бўғади. Бу ҳам етмагандек, пичоқ билан сўяди ва мақсадига эришади.

Жиноятчи қўлга тушди. Бир неча кун давом этган вилоят суди қотил Ж.Равшановни олий жазога ҳукм этди.

Ортиқ САИДОВ.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси мустақил нашри ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Наманганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.30

Буюртма Г— 027. Нусхаси — 16.608.